

ТОШКЕНТ: 2000 ЙИЛ



ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 172 (8162). ● 9 сентябрь, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 8 сентябрда ЮНЕСКО Бош директори А. М. М'Боу билан учрашди.

Дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов меҳмонга КПСС XXVI съезди белгилаб берган социал-иқтисодий тараққиёт программасини бажариш соҳасида республикада қилинётган катта ишлар ҳақида, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятлар билан нишонлаётганликлари тўғрисида гапириб берди. Совет ҳокимияти йилларида республика ҳаётида рўй берган жуда катта ўзгаришлар совет халқларининг ўзаро ёрдамлашувини, миллатлар ва эллатларнинг реал тенглигига эришишни назарда тутишчилик миллий сиёсат турмушга таъсир этганлигининг беэсосита натижаси эканлиги таъкидлаб ўтирди. Барча совет кишилари каби

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини меҳнатдаги муваффақиятлар билан қўллаб-қувватлашни, планетада тинчликни мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчи деб билаётганликлари суҳбатда қайд этилди.

Суҳбат чоғида республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва унинг ЮНЕСКО каби муҳим органининг халқаро кескинлини юмшатишни таъминлашдаги ролини юксак баҳолаётганликлари ўқтирилди. Халқларнинг маданий ҳамкорлигини ривожлантиришга ва уларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга доир кўпгина тadbирлар совет Ўзбекистони пойтахтида ўтказилаётганлиги уларни қувонтиради. ЮНЕСКО коммуналхизмати ривожлантириш халқаро программаси ҳужжатлараро кенгашининг навбатдаги сессиясини Тошкентда чақириб, унга юксак ишонч билдирди.

А. М. М'Боу ўзининг Ўзбекистонга иккинчи бор келиши вақтида шодона ку-

тиб олинганлиги учун, халқаро маданий ҳамкорлигини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшаётган Тошкентнинг 2000 йиллик байрамида қатнашиш имконияти берилганлиги учун миннатдорчилик изҳор этди. ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон ва унинг Ленин ордени билан мукофотланган пойтахт меҳнаткашларига социал ва иқтисодий тараққиёт вакиллари амалга оширишда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари билан шуғулланувчи СССР комиссиясининг раиси В. Ф. Стукалин, ЮНЕСКО Бош директорининг маданий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари А. Р. Калдура (Сурин), ЮНЕСКО Бош директорининг маданий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари С. А. Танган, СССРнинг ЮНЕСКО ҳузуридаги вакили Ю. М. Хильчевский қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

А. М. М'БОУ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таълифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи (ЮНЕСКО) Бош директори Амаду Махтар М'Боу 7 сентябрь кунин Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида А. М. М'Боуни СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари, СССРнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича комиссияси раиси В. Ф. Стукалин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети ташқи ишлар доимий комиссиясининг раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри В. А. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Қозимов, ЮНЕСКО коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси ҳужжатлараро кенгашининг тўртинчи сессиясида қатнашаётган делегацияларнинг аъзолари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ КУНЛАРИ: ТИНЧЛИК ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Япония социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, парламент депутаты, Япония — Совет дўстлиги жамияти раисининг ўринбосари И. Х. Тўхтау-жаева очди. Ингилизида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти, Тошкент Давлат университетининг ректори С. Х. Сирокиддинов сўзга чиқиб, Япония кунлари шу мамлакат ҳаётини чуқурроқ билиб олишга имкон берганлигини айтдилар.

Делегация раҳбари —

зирги ҳаётдаги барча яхши нарсаларнинг ҳаммасини улар учун сақлаб қолишга интилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Эртанги кундан кўнгли туқ совет кишилари бутун планетада тинчликни сақлаш ташвиши билан яшамоқдалар.

«Правда» газетаси саволларига Ю. В. Андропов қайтарган жавобларида айтилган Совет Иттифоқининг янги тинчлик тақдирларини Япониядаги олдин кишилар сидқидилдан қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар, деди де-

легация бошлиғи. Япония кунларининг қатнашчилари бу ерда Ўзбекистон дидарида туриб тинчликка ҳизмат қилишга, СССР билан Япония ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатишга ҳамма куч-қувватларини зарфлаймиз, деб қасамд қиладилар.

Япониядан келган меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига қабул қилиндилар.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Тўй муборак, она шаҳримиз, қадрдонимиз Тошкент! Сен бизларнинг ҳар биримиз учун азизсан, ардоқлисан. Қалбимизга яқинсан.

Юбилейнинг кўтлук кунлари, олий мукофот Ленин ордени олган кунларини сендек азиз шаҳар билан ҳамнафас бўлиб яшаётганлигимиз билан фахрланамиз, қувонамиз. Бу, табиий, албатта. Энг яхши орзу-умидларимиз, тилакларимизнинг рўёбга чиқиши пойтахт — Тошкент номи билан боғлангандир.

Сен — маърифат шаҳрисан, сенинг бағрингда ўсиб, улғайиб билим олиб, фарзандларимиз волга етишяпти. Улар эл иши учун хизмат қилишяпти.

Сен — саноат шаҳрисан. Завод, фабрикаларингда, улкан корхоналарда тайёрланган машиналар қишлоқ меҳнаткашларининг огирини енгил қилипти.

Сен — Шарқда машғулсан. Сен сочган нур ҳар биримизнинг қалбимизни мунаввар этиб, улғу ишларга, қаҳрамонликларга чорламоқда.

Жонажонимиз Тошкент шаҳри ва азиз тошкентликлар!

Сизларни чин дилдан муборакбод этамиз, таъзим қиламиз, яна ҳам гуллаб-яшнайсиз, кўҳна ва навқирон Тошкент, деймиз.

Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ангрендаги 9-шахта ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Х. АБДУЖАББОРОВ, Бекобод районидagi 16-автомобил бригада бошлиғи.


Оржоникидзе районидagi «Красный водопад» экспедиция базаси машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати.

О. ИКМАТОВА, Янгийўл пойабзал фабрикаси ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ
ЛЕНИН ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТУҒРИСИДА

Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, Улғу Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри Ленин ордени билан мукофотлансин

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси
Ю. АНДРОПОВ.
СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАВИЛИ.
Москва, Кремль.
1983 йил, 31 август.



«Зипзиладан зарар
кўрган жабрдийда
Тошкентнинг тиклани-
шини бир эспасангиз, кўз
олдингизда самимий
қардошларча дўстлик-
нинг ажойиб манзараси
намоён бўлади».

Ю. В. Андропов.



ПИСКЕНТ

● ЎТГАН кунин янги мавсум ҳосилидан тузилган «Қизил карвон»га бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Шу кунин ҳўжаликлар пахта қабул пунктига дастлаб-ин 92 тонна «оқ олтин» ҳосилини тақдим этилди.

ОҚҚЎРҒОН

● РАЙОН ҳўжаликлари механизаторлари кеча биринчи тур дефолацияни туғалладилар. Эртага эса 14 та самолёт ғўзаларга иккинчи марта дори сепишга киришадилар.

Пахтасин қийғос очилган далаларда қўл терими қизғин бошлаб юборилди. «Ленинобод» колхозининг кўп-мининг килограммчи чевар теримчиларидан Ҳидоят До-наева билан Комила Али-боевалар ўтган кунин 187 килограммдан, Зулфия Ҳайдарова 141 килограмм пахта териб, ҳўжаликда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу мусобақадosh дугоналар мавсумда саккиз тоннадан «оқ олтин» териб беринча аҳд қилишган.

Район территориясида истиқомат қилаётган 2500 нафар меҳнат ветеранлари, пенсияерлар районининг барча меҳнаткашларига мурожаатнома эълон қилдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда бир тоннадан, жами 2,5 минг тонна пахта териб, районининг умумий хирмонига баракка киритишга астойдил бел боғлашди.

ЯНГИЙЎЛ

● ПИШИВ етилган уруғлик пахтаин янгиштириб олиши кун сайин қизғин тус олаёттир. «Партия XXI съезди» колхозин пахтакорлари бу борада намуна бўлишяпти.

Шунингдек, пенсияерлар ҳам далаларга чиқишиб, баҳоли қудрат ёрдам беришяптир. Ўтган кунин Турсунали ота Азизов, Абдулла ота Ҳатамов, Жумабой ота Тожибоев каби гайратли кексаларнинг ҳар бири колхоз хирмонига 20—23 килограммдан пахта териб қилдилар.

ҒАЛАБА

● ШУ КУНЛАРДА учувчи В. И. Орленко номини район меҳнаткашлари хурмат-эҳтиром билан тилга олмақдалар. Ўз самолётининг моҳирлик билан бошқараётган бу учувчи кунига 240—250 гектар майдондаги ғўзаларга дори сепаеттир. Умуман, район бўйича кунига 2500 гектар майдондаги ғўзалар дефолация қилинмоқда.



ШОНЛИ БАЙРАМ БИЛАН, КАДРДОН ТОШКЕНТЛИКЛАР!

